

**БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ**

З.У. Джумагулов
п.ф.ф.д., (PhD) НукусДПИ,

Р. Мырзаханов
НукусДПИ, 2-курс магистрант

А. З. Узакбергенова
*Бердах номидаги ҚДУ, 3-курс талаба
Узбекистон, Нукус*

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида педагогларнинг узлуксиз изланишда бўлиши, фикрлаши, психологик муносабатларини ўзгартириши, инновацион ғояларни шакллантириш асосида фаолиятни такомиллаштиришга бағишланган. Шунингдек, педагоглар инновацион технологиялар тўғрисидаги билимларга эга бўлиши, янгилик яратиш ва уларни татбиқ этиш, илғор тажрибаларни тарғибот қилиш, оммалаштириш, инновацион фаолиятларнинг натижаларини баҳолаш бўйича зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарурлиги масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: инновацион педагогик жараёнлар, интерфаол методлар, педагогик тадқиқот, таълим жараёни, билим, шаклланиш, ижодий фаолият.

Бугунги кунда инновацион педагогик жараёнлар таълим муассаси ўқув фаолиятининг муҳим компонентларидан бирига айланиб бормоқда. Бу бозорида нафақат у ёки бу таълим муассасининг рақобатбардош бўлишига асос яратади, балки ўқитувчи ва бўлажак ўқитувчи шахсини интенсив ривожлантириш, ўқитувчи ва бўлажак ўқитувчиларнинг биргаликдаги фаолияти ва мулоқатини демократлаштириш, таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, бўлажак ўқитувчини фаол таълим олиш ҳамда ўзини ҳар томонлама шакллантириб боришга йўналтириш, таълим жараёнида қўлланилаётган технологиялар, метод ва воситаларни такомиллаштириш ҳамда модернизациялаш, таълимнинг моддий-техника базасини мутсаҳкамлаш каби вазифаларни бажаради, педагогларнинг касбий маҳорати, уларнинг ижодкорлиги, Кен Робинсоннинг фикрига кўра, ижодкорлик ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуийи саналади [1;14-б],

изланувчанлигини ривожлантириш йўналишларини аниқлайди, талабаларни шахс сифатида камол топишида муҳим ўрин тутди.

Педагогикада инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг кўплаб таснифлари мавжуд, аммо биз тадқиқотимизда ўрганишимиз учун қуйидагиларни ажратамиз:

1. Анъанавий усуллар: ҳикоя, тушунтириш, маъруза, суҳбат, ўқитиш тартиби, намоёниш қилиш, дарслик ва китоб билан ишлаш, машқ (оғзаки, ёзма, ўқув), лаборатория ва амалий иш.

Аммо К.Роджерс анъанавий таълимнинг қуйидаги қоидаларига қониқиш ҳосил қилмайди: ўқитувчи билимларни баён этади, таълим олувчилар уларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади:

- дарс ва имтиҳонлар – таълимнинг асосий таркибий қисмлари. Дарс билимларни шакллантириш шакли, имтиҳон эгалланган билимларнинг даражасини аниқлайди;

- ўқитувчи бошқарувчи, таълим олувчилар эса унга бўйсунувчилар сифатида акс этади [4; 254-б].

2. Инновацион усуллар: ўйинлар (ташкилий-фаолият, рол, бизнес, дидактик) ўйинни лойиҳалаш, лойиҳадаги асосий фаолият (тадқиқотли, ижодий, ролли, амалий ва йўналтирилган) учун мавзу-контент майдони (монопроект ва фанлараро лойиҳа), иштирокчилар (якка, жуфт ва гуруҳ бўлиб) сонига қараб, характерни (очиқ ва яшириш мувофиқлаштириш) мувофиқлаштириш, амалга ошириш (қисқа ва узоқ муддатли) муддати, муайян вазиятларни таҳлил қилиш (вазиятли-муаммолар, вазият-баҳолаш, вазият-иллюстарция ва вазият машқ) [5; 346-348-б].

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш 4 та босқичда амалга оширилади.

1. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш босқичи. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ижодий педагогик вазифаларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва

ечимини топиш қобилиятини шакллантириш, шунингдек, ижодий изланувчанлигини ривожлантириш, яъни аввал эгалланган билим ва кўникмаларини янги вазиятга мустақил олиб ўтиш, маълум бўлган вазиятда муаммо ва объектнинг янги функциясини кўра олиш, объектнинг таркибий қисмларини аниқлаш, муқобил ечим ёки унинг усулларини кўриш, аввал ўзлаштирилган фаолият усулларини янги вужудга келган муаммо билан мувофиқлаштириш воситасида уни инновацион маҳсулотга айлантириш ҳамда бўлажак ўқитувчиларда креатив фикрлашни ривожлантиришни назарда тутади [7; 74-75-б].

2. Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари томонидан илмий билиш, педагогик тадқиқот босқичи. Бу босқичда инновацион педагогика кириш методологияси асосларининг эгалланиши, уларни инновацион педагогика вужудга келишининг ижтимоий ва илмий замини, шарт-шароитлари, унинг асосий тушунчалари билан таништириш тушунилади [8; 138-б].

3. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида инновацион педагогик фаолият технологиясини ўзлаштириш босқичи. Бу босқич муаллифлик дастурларини яратишда иштирок этишни тақсил этиш, муаллифлик дастурларини мустақил тузиш методикасини ўзлаштириш, янгиликларни кейинчалик ривожланиши ҳамда янгиликларни таълим амалиётига татбиқ этишда кузатилаётган қийинчиликларни таҳлил этиш ва прогнозлаштиришни шакллантиришни назарда тутади [9; 246-б].

4. Инновацияларни амалиётга татбиқ жорий этиш босқичи. Бу босқич тажриба майдончасида Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг амалий ишини ташкил этиш, тузатиш ишларини олиб бориш ҳамда тажриба натижаларини кузатишни ўз ичига олади. Мазкур босқичда Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий фаолиятини ўзи таҳлил этиш малакаси ошади, уларнинг янгиликларга нисбатан қарашлари,

йўналишлари, муносабатлари ўзгаради, инновацион нуқтаи назари шаклланади [10; 48-б].

Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда инновацион педагогик технология усулларини эгаллаш муҳимлигини эътиборга олиб, «Технологик таълим ўқитиш методикаси» фани машғулотларини босқичма-босқич ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда: биринчи босқичда фан ҳақида асосий маълумотлар келтирилади; иккинчи босқичда фаннинг ҳозирги даврдаги ютуқлари ва муаммолари муҳокама қилинади; учинчи босқичда назарий қоидалар чуқурлаштирилган даражада баён қилинади; тўртинчи босқичда тескари алоқа учун материал берилади; бешинчи босқичда ўрганилган мавзуларнинг тўғри ўзлаштирилгани назорат қилинади, ўзини ўзи назорат қилиш учун топшириқларнинг турли шакл (оғзаки савол-жавоб, ёзма, ностандарт тест ва Кейс банклари)ларидан фойдаланилади ва тўғри жавоблар келтирилади. Оғзаки савол-жавоб, педагогнинг талабалар билан бевосита мулоқоти бўлиб, саволларга берилган жавоблар баҳоланади. Ёзма топшириқларни тузишда, таянч сўз ва иборалар вариантдан фойдаланишни назарда тутади. Топшириқларни тузишда интерфаол методларни қўллаб ҳал қилинадиган топшириқларга кўпроқ эътибор бериш лозим. Бу методларни қўллаш бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий маҳоратини ривожлантиради [13; 271-274-б].

Педагог дарсни анъанавий усулда ёки инновацион таълим технологиялари билан ўтиши мумкин. Анъанавий усулда дарс ўтганда, мақсадларга эришганликни аниқлаш қийин. Оқибатда дарс сифати пасаяди. Анъанавий дарсларни мазмунан янгилаш ва Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартириш, замонавий дарс самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур технологияларни қўллаган ҳолда дарс ўтиш лозим [14;74-б]. Замонавий дарслардан мақсад талабаларнинг ўзлаштириш

кўрсаткичини кўтариш учун «Технологик таълим ўқитиш методикаси» фанини ўқитишда машғулотларни мазмунли ва тушунарли ўтказишда талабалар бўлажак педагогик фаолиятига янгиликлар киритиб, интерфаол методлардан фойдаланиш, ўзини ўзи самарали баҳолашга эришишдан иборат. Замонавий дарслар бўлажак технологик таълим ўқитувчисини мустақил ва мантиқий фикрлай олишга, ижод қилишга, изланишга, таҳлил эта олишга, тўғри хулоса чиқаришга ўргатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Робинсон К., Ароника Л. Школа будущего. Как вырастить талантливое ребенка. – Москва: Манн, Иванов и Фребер, 2016. – С. 14.
2. Роджерс К. К науке о личности // История зарубежной психологии. – Тексты. – Москва: Изд-во МГУ, 1996. – С. 254.
3. Тиханович О.А. Инновационность информационной среды вуза как условие качественной реализации образовательной программы // Вестник МГУ. – Москва, 2007. – № 3. – С. 346-348.
4. Джумагулов З.У. Ривожлантирувчи таълим - Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш омили // Муғаллим ҳам ўзлуксиз билимлендирий. – Нөкис, 2018. № 3. – Б. 74–75.
5. Мажитова Ш.Н. Инновационные педагогические технологии используемые в подготовке будущих учителей // Халқ таълими. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 137-139.
6. Фунтикова С.П. Студенческая научно-исследовательская работа в вузе-интеллектуальный ресурс общества // Вестник МГУ. – Москва, 2007. – № 3. – С. 244-248.
7. Лебедева Е. Инновационное развитие и образование // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2007. – № 12. – С. 45-54.
8. Djumagulov Z.U. Forming Readiness of Future Technology Teacher for Research Activities // Eastern European Scientific Journal, – Dusseldorf – Germany, 2018. №4. – P. 271-274.
9. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий кўлланма // Инновацион таълим технологияси серияси. – Т.: «Иқтисодиёт» 2012. – 154 б